

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
2016 йил 10 июндаги 42-сонли қарорига  
ИЛОВА

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ички назорат  
органларининг Банк кенгаши, Банк акциядорлари умумий  
йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги  
ТАРТИБИ**

Муқаддима

- 1-§. Банк ички назорат органларининг Банк кенгаши билан ўзаро ҳамкорлиги
- 2-§. Банк ички назорат органларининг Банк акциядорлари умумий йиғилиши билан ўзаро ҳамкорлиги
- 3-§. Банк ички назорат органларининг акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги.

Мазкур Низом Корпоратив бошқарув кодексининг 15-бандини ўн биринчи хатбоисига мувофиқ ишлаб чиқилди ва “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида (кейинги ўринларда – Банк) ички назорат органларининг (Банк тафтиш комиссияси ва Ички аудит департаментининг) Банк кенгаши, Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини белгилайди.

**1-§. Банк ички назорат органларининг  
Банк кенгаши билан ўзаро ҳамкорлиги**

1. Банк ички назорат органлари ўз фаолиятида Банк кенгашига ҳисобдордир.
2. Банк фаолиятида йўл қўйилиши мумкин бўлган қонунбузарликлар олдини олиш мақсадида Банк ички назорат органлари Банк кенгашига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Банк ички норматив ҳужжатлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобот, маслаҳат, тавсия, қўлланма, тушунтириш ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш орқали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўяди.
3. Банк ички назорат органлари ўз фаолиятини тасдиқланган иш режаси асосида амалга оширади. Мазкур иш режасига киритилмаган масалалар юзасидан текширув ўтказиш ёки бошқа тусдаги талаблар фақат Банк кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

**2-§. Банк ички назорат органларининг Банк акциядорлари  
умумий йиғилиши билан ўзаро ҳамкорлиги**

4. Банк тафтиш комиссияси Банк акциядорлари умумий йиллик йиғилишига Банк молия-хўжалик фаолияти тафтиши якунлари юзасидан хулоса тақдим этади.
5. Молия йили якунига бағишлиб ўтказиладиган Банк акциядорлари умумий йиғилишида, заруриятга кўра, Ички аудит департаментининг ҳисботи ҳам кўрилиши мумкин.

### **3-§. Банк ички назорат органларининг акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

6. Банк ички назорат органлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида акциядорлар манфаатини биринчи ўринга қўйиши шарт.

7. Банк ички назорат органлари ва акциядорларнинг ўзаро ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни талабларидан келиб чиқсан ҳолда ўзаро ишонч, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосида амалга оширилади.